Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
7 январь
ЧОРШАНБА
№ 1 (12741)

www.th.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2015 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2015 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг Котиби В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 26 декабрь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг биринчи сессияси 2015 йил 8 январь куни соат 10:00 да чақирилсин.

**Вилоят ҳокими** **А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 5 январь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 2015 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 22 октябрдаги 991-II сон "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-453-II сон "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги XXXVIII/I/I сон "Тошкент вилоятининг 2015 йилги маҳаллий бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан:

а) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига солиқлар ва йиғимлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар, шунингдек, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида нормативларга мувофиқ тақсимланадиган ягона ижтимоий тўлов ҳамда фуқароларнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкалари миқдори 2015 йил учун тасдиқланганлиги;

б) Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солиқ солиш шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, лекин:

юридик шахслар учун – давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун – белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилиши;

в) 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб:

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси автомобиль газ тўлдиргич компрессор станцияларига (шу жумладан, ўз балансида автомобиль газ тўлдиргич компрессор станциялари бўлган юридик шахсларга) сотадиган табиий газнинг улгуржи-сотиш нархига қўшимча равишда ҳар куб метри учун 400 сўм миқдорида солиққа тортилмайдиган махсус инвестиция устама ҳақи;

уяли (мобиль) алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақи ойига 750 сўм миқдорида белгиланганлиги;

г) Ягона солиқ тўловидан тушумлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақсимланиши;

д) Солиқ тўловчиларнинг мол-мулки ҳисобидан ундиришга қаратилган солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари тасдиқланганлиги;

е) 2015 йил учун ота-оналардан олинадиган тўлов миқдорлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ўрнатилганлиги;

(Давоми 2-бетда).

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

## ВИЛОЯТДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2015 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1992 й., 1-сон 45-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2009 й., 15-сон 186-модда) талаблари асосида, вилоят ҳудудидаги бўш турган бино-иншоотлардан оқилона фойдаланиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ҳамда кутилаётган харажатлар билан корхона ташкилот ва муассасаларнинг ижара тўловидан тушадиган даромадларни тартибга солиш мақсадида ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг давлат кўчмас мулклари бўйича келишилган ижара тўловларининг энг кам ставкаларининг ҳисоб-китоблари 2014 йил 23 декабрдаги 82-сон, БЮ/08-03-32-13/170 ва 227/01-14-сон хатлари билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2015 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага, ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага ҳамда туман ва шаҳарлар марказларидан олисда ва тоғли ҳудудларда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат мулкини балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари:

йил чорагида камида бир марта ўзининг тасарруфида бўлган давлат мулкини хатловдан ўтказишлари;

фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларнинг марказга ўз вақтида, тўлиқ, шунингдек, ижарага берилаётган мол-мулкнинг тикланиш қиймати тўғрисидаги тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги;

(Давоми 2-бетда).

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни



## АРМИЯМИЗ – ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

**Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 23 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тадбир шундай номланди.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли олимлар, ижодкорлар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида ҳарбийлар учун барча зарур шароитлар яратилгани алоҳида таъкидланди.

Миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айланди. Ўғлонларимизнинг ҳарбий хизматга, бошқача айтганда, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиши кучайди. Профессионал армия шаклланди.

Конституциямизда Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган, армиямиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилгани таъкидланган. "Мудофаа тўғрисида" ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

Мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни янада такомиллаштириш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари яхшилангани, 2009 йилдан бир йилда бир марта чақирувнинг жорий этилгани аскарларнинг хизматни сифатли ўташи ва ҳарбий мутахассисликка ўқитиш бўйича дастурларни пухта ўзлаштириши, замонавий ахборот технологияларига оид билимини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг концерт дастури намойиш этилди.

**Б. ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

## ҚАРИСИ БОР УЙ

**Саодатга эришиш, бахтли яшаш ва ёмонлардан сақланиш йўлларини кўрсатувчи кексаларнинг ҳар бир панд-насиҳати, ўгит ва ҳикматли сўзлари ёшларнинг ахлоқий ва маънавий камолоти йўлидаги энг беминнат фидойиликдир. Доно кексалар бор жойда, албатта, ёшлар ҳам яхши хулқ ва эзгу ишларга эргашадилар. Кексалар ҳар куни фарзандларини хайрли ниятлар билан ўқишга, ишга ва сафарга кузатадилар. "Одамзот ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам кексаларнинг дуоси билан обод", дейишлари бежиз эмас.**



Буюк Амир Темур ҳам ёши улуғ, кекса сипоҳийларни ҳурматлаб, маслаҳатлар олиб, уларни салтанат устунлари деб баҳолаганлар.

...Қадимги подшоликлардан бирида кексаларни ўлим тоғига олиб бориб ташлаш одати бўлиб, отасини ниҳоятда яхши кўрадиган бир ўғил фурсат етганида уни яшириб қўяди.

Кунлардан бир куни подшо парилар юртига саёҳат қилади. У дарё бўйида дам олиб ўтирар экан, сув остидаги тошлар орасида ётган тухумдек қимматбаҳо гавҳарга кўзи тушади. "Олиб чиқинглар!", деб буйруқ беради подшоҳ. Лекин ҳеч ким тошни тополмайди. Шунда подшоҳ ғазабланиб: "Тошни топа олмаганларнинг жазоси ўлим" дейди.

Сувга тушиш навбати отасини яшириб қўйган сипоҳга яқинлашиб қолгач, у видолашиш учун падари ҳузурига югуради ва ҳодисани сўзлаб беради.

– Тош сувда эмас, балки қирғоқдаги дарахтга қурилган қушнинг инида бўлиши мумкин, – дейди отаси.

Йигит орқасига қайтиб, навбати келгач, дарёга тушмай, тошни дарахт тепасидаги қушнинг инидан олиб тушади. Подшо таажжубланиб:

– Бу сирни шу мамлакатнинг парилари тополмади, сен қаердан билдинг? – деб тўғрисини айтишни талаб қилади.

Йигит бор гапни айтади. Шу кундан эътиборан "Қари билганни пари билмас экан" деб, мамлакатда кексаларни ўлдириб юбориш ҳақидаги фармон бекор қилинади.

(Давоми 2-бетда).

Миннатдорлик

## ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ

**Мен Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ қўрғони, Чинор қишлоғида яшайман. Ёшим 73 да. Ўзимни бахтли кексалардан бириман, дея баралла айтишим мумкин. Ҳозир ғамхўрлик ва эъзозда қарилик гаштини суриб юрибман. Давлатимиз бизларга кўплаб қулайликлар яратиб бермоқда. 2015 йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганидан, айниқса, қувондик. Нафақаларимизни вақтида олиб турибмиз. Шифокорлар соғлиғимизни яхшилаш йўлида тиним билишмайди.**

(Давоми 2-бетда).

Президент совғалари

## «ФАРОВОН»ДА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

**Халқимизга олам-олам қувонч, бахт ва шодликлар олиб келган Янги – 2015 йилнинг қутлуғ қадамлари илк кунларданоқ барчани хушнуд этмоқда. Кексаларни эъзозлаш йилининг хосияти нур бағишлаган кўнгиллар чароғон, хонадонлар обод. Кексаларимиз эса нафақат ўзларига, балки азиз фарзандлари, болажонлару ёшларга кўрсатилаётган эътибор, меҳр-оқибатдан мамнун.**

Янгийўл шаҳридаги "Фаровон" кошонасида вилоятимиздаги Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун уюштирилган "Президент арчаси" – Янги йил байрами ҳам иштирокчиларга кўтаринки кайфият, беқиёс шодлик бахш этди. Безатилган арча, тўкин дастурхон, ажойиб байрам томошалари, турли эртак қаҳрамонларининг чиқишлари ҳаммани хурсанд қилди. Янгийўл мусиқа мактаби, Олмалиқ маданият саройи қатнашчилари иштирокидаги шўх-шодон куй-қўшиқ, рақс, турли қизиқарли ўйинлар болажонларга унутилмас онларни ҳадя этди.

Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов жумладан, шундай деди:

– Азиз болажонлар, мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқ ёшлари! Сизларни ҳур диёримиз, озод мамлакатимиз раҳбари, ҳурматли Президентимиз номидан Янги – 2015 йил билан муборакбод этар эканман, ҳар бир кунингиз бугунгидек қувонч, шодликларга тўлиқ бўлсин, дейман. Сизлар ҳар томонлама соғлом, баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етишишингиз учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб қўйилган Она юртимизнинг муносиб фарзандларисиз.

(Давоми 2-бетда).



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2015 йил 4 январь куни ўтказилган такрорий овоз бериш натижаларига кўра Тошкент вилоятининг 2 та сайлов округидан қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб рўйхатга олинди:**

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Арипов Даврон Рахимович | 1974 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, партиясиз | Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси | Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани | 78-Бекобод сайлов округи |
| 2. | Умаралиев Акмалжон Акбаралиевич | 1974 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси | Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани | 89-Дўстобод сайлов округи |

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

# ҚАРИСИ БОР УЙ



Донишманд кексаларнинг набира ва эвараларига сўзлаб берадиган қизиқарли эртак ҳамда ҳикоялари болаликдан мукаммал тарбия олишга, билим эгаллашга, китобга меҳр қўйиш ва Ватан тарихини ўрганишга иштиёқ уйғотади.

Қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахонлар бўлса, албатта, файз-барака, фаровонлик ва аҳиллик ҳукм суради. Кексалардаги ақл-заковат, тадбиркорлик ва донолик хислатлари ҳаёт давомида турли тўсиқларни енгишда ёрдам беради. Улар жисман кексайсаларда, қалбан ҳамиша ёш бўлиб қолаверишади.

Ҳурматли Президентимиз таъкидлаганларидек: "Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракотли қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, бугун Яратганнинг бизга берган ҳар бир кунини маъноли ва сермазмун ўтказишда беқиёс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз" бўлиб қолганлиги ниҳоятда қувончлидир. 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номлангани шу маънода айни муддао бўлди.

**Эркин ҒУЛОМОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, меҳнат фахрийси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 2015 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ё) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидаги маҳаллий бюджетлар улушини кўпайтириш, барча даражадаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришда жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг роли, мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш, ҳудудларнинг молиявий таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида маҳаллий бюджетлар даромадларига қуйидаги умумдавлат солиқлар ва бошқа даромадлар, яъни:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятини айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи;

чакана савдо тармоқларида сотиладиган олтиндан тайёрланган заргарлик буюмларига акциз солиғи;

тегишли давлат божлари, йиғимлар ва жарималар бўйича тушумлар тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

Шунингдек, уяли (мобиль) алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми абонентнинг рўйхатга олинган манзили бўйича бюджет ҳисобига ўтказилиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. 2015 йилнинг 1 январидан вилоят ҳудудида:

Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2015 йилги асосий параметрлари 1-иловага;

юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2-иловага;

юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 3-иловага;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 4-иловага;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 5-иловага;

маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган ставкалари 6-иловага;

шаҳарлар ва қўрғонларда ҳамда қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи ставкалари 7-иловага;

Тошкент вилояти вилоят бюджетининг 2015 йилги белгиланган даромадлар ва харажатлар тақсимоти 8-иловага;

2015 йил учун Тошкент вилояти вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, вилоят бюджетидан бериладиган мақсадли субвенцияларнинг чекланган миқдорлари 9-иловага;

Тошкент вилояти бўйича 2015 йилда умумдавлат солиқларидан кутилаётган тушумларнинг вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмалар меъёри 10-иловага мувофиқ;

Тошкент вилояти бўйича 2015 йилда маҳаллий солиқлардан кутилаётган тушумларнинг вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмалар меъёри 11-иловага;

Тошкент вилояти бўйича 2015 йилда вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 12-иловага;

Тошкент вилояти вилоят бюджетининг 2015 йил учун белгиланган захира жамғармаси миқдори 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ва шаҳар ҳокимликлари Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси билан келишган ҳолда:

бир ойлик муддатда Бекобод, Бўка, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Паркент, Пискент ва Қуйи Чирчиқ туманлари бюджетларининг субвенция олувчанлик даражасини қисқартириш бўйича дастурларни;

2015 йил I чораги якунига қадар туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлар базасини ошириш, ҳудудларда тушумларнинг қўшимча захираларини аниқлаш ҳамда солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таклифларни;

тегишли бюджетларнинг субвенция олувчанлик даражасини қисқартириш бўйича дастурлар ижроси ҳамда даромадлар базасини ошириш бўйича тадбирлар натижалари тўғрисидаги чораклик ахборотни вилоят ҳокимлигига киритсинлар.

5. Тошкент вилояти туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлари ҳисобига келиб тушиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар туманлар ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтирилиши мумкин эмаслиги белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хизмат кўрсатилаётган аҳоли сонини ҳисобга олган ҳолда касалликлар йўналиши бўйича профиль ўринлар диапозонини белгилашни назарда тутувчи марказий туман (шаҳар) касалхоналари ўрин фондини аниқлашнинг норматив усулига босқичма-босқич ўтиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинганлиги кўрсатиб ўтилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Молия вазирлиги билан биргаликда республикада замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишини ҳисобга олиб, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари намунавий штатларини янада такомиллаштириш ишларини давом эттирган ҳолда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига информатика хонаси мудирлиги учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида устама ҳақ белгилаш йўли билан моддий рағбатлантиришни кучайтиришни ҳамда дастурчи муҳандис лавозимини мақбуллаштириш назарда тутилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

8. Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бошқармасига 2015 молия йили давомида:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, Молия вазирлигининг билдиришномалари ёки ёзма билдиришлари асосида Тошкент вилояти маҳаллий бюджети, вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар ва харажатлар қисмига ўзгартириш киритиш;

тегишли бюджетларга мақсадли субвенциялар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутига) ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича ундириладиган барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини (иш ҳақи ва унга ажратмалар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг) маблағ билан сўзсиз таъминланиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

9. Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси, Тошкент вилояти Ғазначилик бўлинмалари Тошкент вилояти Марказий банк бош бошқармаси билан биргаликда 2015 йилнинг январь ойида, ўтказилган операцияларни 2014 йилги Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда, 2014 йилги Тошкент вилояти маҳаллий бюджети ижроси бўйича, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, якуний операциялар ўтказсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори 24-бандини амал қилиши 2016 йилнинг 1 январигача узайтирилгани ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон "Ўзбекистон Республикасида Архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ва шаҳарларда қайта ташкил этилган Давлат архивларини сақлаш харажатлари 2015 йил 1 январдан туман ва шаҳар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

12. Тошкент вилояти ҳокимининг 2013 йил 30 декабрдаги 297-сон "Тошкент вилоятининг 2014 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори 2014 молия йили тугаганидан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ушбу қарор вилоят ҳокимлигининг расмий нашрларида эълон қилиниши таъминлансин.

14. Мазкур қарор 2015 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Марафон

**Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракати биринчи галда муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиши, холис ёрдамини аямаслиги билан узоқ йиллардан буён инсониятнинг беғараз кўмакчиси бўлиб келмоқда.**

# БЕҒАРАЗ КЎМАК

Холислик, мустақиллик, ихтиёрийлик, яголик, миллийлик тамойиллари асосида иш олиб борувчи Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти 2015 йилда 90 йиллигини нишонлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида"ги Фармони, "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида иш олиб бораётган жамиятнинг вилоят кенгаши Янги йил арафасида ўтказган "Хайр-эҳсон" марафонида барча ҳомий ташкилотлар, 200 та кам таъминланган оила иштирок этди. Тадбирда Соғлом бола йилида амалга оширилган ишлар хусусида кўргазмали воситалар орқали сўз юритилди.

Вилоятда жамиятнинг 4 шаҳар ва 13 туман бўлимлари бўлиб, Соғлом бола йилида жамият ҳисобига 340 миллион сўм ўтказилди. Бу маблағ йил давомида ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногирон, ёлғиз фуқароларга ажратилди. Жумладан, 416 ёлғиз қария, 1647 ижтимоий ҳимояга муҳтож кишига беғараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. "Хайр-эҳсон" марафонидан тушган маблағлар Кексаларни эъзозлаш йилида эътибор ва меҳр-мурувватга муҳтожлар дардини енгиллаштиришдек хайрли ишларга йўналтирилади.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## Миннатдорлик

# ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ

Мени кўп йиллардан бери жигар, юрак, қон босими касалликлари безовта қиларди. Шу сабаб ҳар икки йилда бир марта вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари текширувидан ўтиб, уларнинг йўлланмаси билан даволаниб тураман. Сиҳат-саломатлик посбони бўлган шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан йилдан-йилга соғлигим яхшиланмоқда. Ўзимни жуда яхши ҳис қилиб, болаларимнинг роҳатини кўриб, невара-эвараларимни эркалатиб юрибман.

Чорбоғдаги марказий шифохонамиз бош шифокори Ҳафизахон Юсупованинг маҳорати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. У хушмуомалалиги, очиқ юзлилиги, самимийлиги билан ҳузурига келган ёшу қарининг кўнглини кўтаради. Шифохонада ишлаётган барча оқ халатли ходимлардан ҳам кўнглимиз тўқ. "Тез ёрдам" хизматига қўнғироқ қилсак, дарров етиб келишади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз ишининг етук мутахассиси, эл соғлигини сақлашга камарбаста, хаста одамлар дардига шифо улашаётган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Шуҳратжон Нишонов, Тошкент тиббиёт академиясининг кардиология бўлими бошлиғи Улуғбек Иброҳимов, олий тоифали шифокор Гулнора Қодировага миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Зуҳра ҚОБИЛОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Тошкент вилояти ҳокимининг Қарори*

# ВИЛОЯТДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2015 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

давлат мулкини ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижасида ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги учун бевосита қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

4. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳузуридаги Тошкент вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази давлат унитар корхонаси раҳбари (А. Хакимов)га:

давлат мулкини ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;

ижарага берилаётган давлат мулкини ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

ижарага берилган давлат мулкини ҳар чораклик асосда хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини даврий нашрларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида жойлаштириш;

вилоят ҳудудида фойдаланилмаётган, бўш турган бинолар ва иншоотларни аниқлаб, самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда ижарага бериш вазифалари юклатилсин.

5. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Қ. Маматисаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулкини ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкини балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳузуридаги Тошкент вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсинлар.

6. Шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур қарорнинг 2-иловасидан келиб чиқиб, мулкнинг жойлашган манзилини инобатга олган ҳолда ҳудудий зоналарни (1-2-3-4-зона) 2014 йил 30 декабрга қадар белгилаш юклатилсин.

7. Вилоят ҳудудида 2015 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

8. Тошкент вилояти ҳокимининг 2013 йил 27 декабрдаги 293-сон "Вилоятда Давлат кўчмас мулкидан 2014 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисида"ги қарори 2015 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор 2015 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 27 декабрь.

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЯНГИ УЙГА – ЯХШИ НИЯТЛАР БИЛАН

**Давлатимиз раҳбарининг ёш оилалар учун уй-жой қуриш кўламини кенгайтиришга оид кўрсатмаларига мувофиқ намунавий лойиҳалар асосида кўплаб уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилмоқда.**

**Олмалиқ шаҳрида бунёд этилган кўп қаватли "Камолот" уйлари шаҳар ёшларига ажойиб совға бўлди. Бу уйларни қуришда "Тайм билдинг" МЧЖ жамоаси жонбозлик кўрсатди.**



– Шаҳримиз кундан-кунга чирой очмоқда, – дейди жамият раҳбари А. Йигиталиев. – Бу замонавий уйларни тажрибали усталаримиз қуришган. Белгиланган лойиҳа асосида қурилаётган бундай уй-жойлар, капитал реконструкция қилинган бинолар учун замонавий, пишиқ ва чидамли қурилиш материаллари танланди. Умумий ҳисобда 45 та хонадон капитал таъмирдан чиқарилди.

– Мен ҳам шу уйлардан бирини олишни мўлжаллаяпман, – дейди Ғуломжон Низомиддинов. – Бундай уйларда аёлларнинг рўзғор юмушлари билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитлар мавжуд. Ҳар бир хонага алоҳида даҳлиз орқали чиқилади. Сув, электр энергияси ва газ таъминотида муаммо йўқ. Ҳар бир хона кенг ва ёруғ, кўриб ҳавасим келди.

Замонавий лойиҳа асосида қурилган бу уйлар 30 ёшгача бўлган оилаларга устама тўловсиз 20 йилга кредит асосида топширилади.

– Бу ерда ташландиқ бино бор эди, – дейди "Камолот" ЁИҲ марказ мувофиқлаштирувчиси Умид Исаев. – Энди у эл корига ярайдиган кўркам бинога айланди. Кўп қаватли уй ҳовлисида эса болалар майдончаси ҳам барпо этилган.

– Бу майдонча фарзандларимиз учун совға бўлди, – дейди шу ерда яшовчи Нуржон Ҳакимов. – Қувонарлиси, майдончада ҳамма шароит муҳайё. Болаларимиз сирпанчиқ учиб, турник ва нарвонларга осилиб ўйнайдилар. Шунингдек, ота-оналар учун ўриндиқлар ҳам бор.

**Маҳлиё ИСРОИЛОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Президент совғалари

# «ФАРОВОН»ДА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

Ҳамиша Ватан паноҳида, кексаларимиз, ота-она, устоз-мураббийлар, ака-ука, опа-сингилларингиз ардоғида эканингизни унутманг...

Болажонларга беқиёс шод-хуррамлик бахш этган яна бир туҳфа – Президент совғалари озод юртнинг эрка фарзандлари доимий эътибор, рағбатдан баҳраманд эканидан далолатдир. Зеро, кексаю ёш, каттаю кичик меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат каби эзгуликлар оғушида яшайдиган элнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Янгийўл туманида байрамга бағишланган томошалар давом этмоқди. Жумладан, 13-боғчада уюштирилган тадбирда болалар мураббиялари ёрдамида тайёрлаган саҳна кўринишлари билан меҳмонларни лол қолдирдилар.

Боғчада 400 болага 20 га яқин малакали тарбиячи ва спорт мураббийлари таълим-тарбия бермоқда. Бундан ташқари, рақс, таэквандо, моҳир қўллар ва шахмат-шашка тўгараклари ҳам болалар ихтиёрида. "Янги йил байрами" томошасида миттивойлар эртак қаҳрамонларига айланиб, Қорбободан байрам совғалари олишди.



Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳомийлигида Чирчиқ шаҳридаги 14-сонли Меҳрибонлик уйида ҳам байрам тадбири бўлиб ўтди.

Безатилган арча атрофида тарбияланувчилар мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Айниқса, эртак қаҳрамонлари иштирокидаги томошалар ва "Шаҳноз" рақс жамоасининг чиқишлари болажонларда катта таассурот қолдирди. Шу куни 100 нафарга яқин тарбияланувчиларга ҳомийларнинг совғалари ҳамда "ЖАР" соғломлаштириш марказида ўтказиладиган "Сеҳргарнинг Янги йил саргузашти" номли томошасига чипталар тарқатилди.

Шундай байрам тадбири Бўка туманидаги 15-сонли Меҳрибонлик уйида ҳам бўлиб ўтди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Саломат бўлинг

# ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ – ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

**Овқатдан заҳарланишнинг ўндан ортиқ тури бўлиб, касаллик чақирувчи омилларга қараб, шартли равишда иккига, яъни, бактериал ва нобактериал гуруҳга бўлиш мумкин.**

Бактериал заҳарланишга сальмонелла, бактерия, стафилококк каби касаллик чақирувчи микроблар ёки ботилинус таёқчаси, ифлосланган озиқ-овқатларни истеъмол қилишдан келиб чиқувчи касалликлар киради. Нобактериал заҳарланишга эса, овқатга турли заҳарли ўсимликлар ва айрим меваларнинг аччиқ данаклари, заҳарли кимёвий моддаларни керагидан ортиқ қўшиш туфайли рўй берадиган касалликларни киритиш мумкин. Агар санитария талаблари ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмаса, касаллик чиқарувчи бактериялар гўшт ва сут маҳсулотларига тушса, тез кўпаяди.

Касаллик белгилари орадан 6 соат ўтгач, 36 соат ичида бошланиши мумкин. Беморнинг тана ҳарорати 40 даражага кўтарилиб, боши қаттиқ оғрийди, кўнгли айниб, тез-тез қайт қилади ва дармонсизланади. Қорнида оғриқ пайдо бўлиб, тез-тез ичи кета бошлайди. Касалликнинг енгил шакли 3-5 кунда тузалса, кеч аниқланган оғир шакли 10 кундан то 10 ҳафтагача чўзилиши мумкин.

Овқатдан заҳарланишнинг энг хавфли шакли ботилинусдир. Ташқи муҳитда, яъни тупроқда кўп учровчи ботилинус таёқчасининг ўзига хос



пушти споралари бўлиб, у 100 даража иссиққа ҳам бардош бера олади. Улар ривожланиши учун эса 20 даража етарлидир. Ботилинус таёқчаси касал чақирувчи кўплаб микроблар каби нордон ва шўртак таомларда кўпая олмайди. Заҳарланиш белгилари 6-48 соат оралиғида кўринади.

Беморнинг кўзи хиралашиб, нарсалар қўшалоқ бўлиб кўринади. Шунингдек, нафас олиши ўзгариб, нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бу касалликларда тана ҳарорати камдан-кам ҳолларда кўтарилади.

Заҳарланиш кўпроқ аёллар ва болалар ўртасида учрайди. Ботилинус билан заҳарланмаслик учун уйда консерва тайёрлаганда стерилизация тартибига қатъий риоя қилиш, сабзавотларни яхшилаб ювиш зарур. Шу билан бирга, консерва очилганда, унинг бир оз ҳидланган ёки ранги айнигани шубҳа туғдирса, истеъмол қилмаслик керак. Касаллик юз берса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим. Шифокор келгунга қадар ошқозонни ювиш яхши натижа беради. Зарур шартлардан бири овқатланишдан олдин қўл ювишдир.

Овқатдан заҳарланишнинг олдини олишда ҳар биримизнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишимиз муҳим аҳамиятга эга.

# ИС ГАЗИДАН САҚЛАНИНГ



Ис гази одатда рангсиз ва ҳидсиз бўлиб, хавфлилиги шундаки, ўпка орқали қонга сўрилиб, кислород ўрнини эгаллайди. Оқибатда киши танасида кислород етишмаслиги юз беради. Марказий асаб тизими зарарланишига олиб келувчи кучли заҳарланиш юз берганда тез тиббий чора кўрилмаса, киши ҳаётдан бевақт кўз юмиши мумкин.

Айниқса, қишнинг аёзли кунларида хонадонларда газдан нотўғри фойдаланиш, печкаларнинг мўрконлари тўлиб қолганда газ (кўмир) иси одамлар умрига зомин бўлади. Ёқилғилар орасида бошқаларига нисбатан хавфлиси табиий газдир. Унинг хона ичига тўпланиши портлашга сабаб бўлиши, оқибатда инсон турли даражада жароҳат олиши мумкин.

Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўладиган заҳарли газ, иситиш тизимларига уланишда меъёрий талаблар ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, иситиш печкалари ҳамда мўриларнинг яхши тозаланмагани фавқулодда вазиятларга сабаб бўлади.

Агар хонада табиий газ иси сезилса, зудлик билан деразаларни очиш, электр чироқларини ёқмаслик, учқун чиқарувчи нарсалардан фойдаланмаслик керак. Исдан заҳарланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш лозим. Бунда бемор очиқ ҳавога олиб чиқилади, иссиқ ва тинч жойга ётқизилади, сут ёки қатиқ ичирилади, ҳолатига қараб сунъий нафас берилади.

Шунингдек, зарур ҳолларда 103 телефон рақами орқали тез тиббий ёрдамга, 104 телефон рақами билан газ таъминоти бўлимига, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда эса, 1050 рақами орқали "Қутқарув отряди"га мурожаат этиш мумкин.

**Куз-қиш мавсумидаги урчиш даврида итларнинг тажовузкор бўлиши, ёввойи ҳайвонларнинг аҳоли турар-жойларига оралаши ва уй ҳайвонлари билан тўқнашиши, фуқаролар дайди ҳайвонларга эҳтиётсиз муносабатда бўлишлари натижасида жабрланиш бир мунча кўпаяди. Ушбу жараённи тартибга солиш учун Вазирлар Маҳкамасининг "Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан вилоятда кутуриш касаллиги билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тадбирлари кучайтирилмоқда. Бироқ, кенг миқёсда муҳофаза чоралари кўрилаётганига қарамай, кутуриш касаллиги ҳайвонлар орасида оз бўлсада учраб турибди. Шундай экан, бу касаллик кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, муҳофаза тадбирларини янада фаоллаштириш лозим.**

# ҚУТУРИШДАН ҚУТУЛИШ МУМКИНМИ?



Қутуриш касаллиги ҳайвон ва баъзан одамларда учрайдиган ўта юқумли, хавфли касалликдир. Тулки, бўри, чиябўри, шунингдек, уй ҳайвонларидан от, туя, ит, мушук ҳамда каламуш, сичқон, юмронқозиқ, кўршапалак ва қушлар касаллик вирусини ташувчи ҳисобланади. Вирус қутуриб ўлган ҳайвонлар танасида, айниқса, қиш ойларида бир неча ҳафтагача сақланади. Касаллик одамга дайди ва қаровсиз ҳайвонлар тишлаганида, унинг сўлаги терининг тирналган, жароҳатланган юзасига, оғиз, бурун, лаб, кўз шиллиқ пардасига тушиши орқали юқади. Вирус асаб толалари орқали танага тарқалади, бош ва орқа миядаги ўзи танлаган махсус жойда макон топади.

Касалликнинг яширин даври ҳайвонларда 14-16 кун, одамларда 8-10 кундан бир неча ҳафта, ҳатто, 1 йилгача давом этиши мумкин. Бу муддат қутурган ҳайвон одам танасининг қайси жойини, юқори ва пастки қисмларини қай даражада жароҳатлаганига ҳам боғлиқ. Шунга кўра шифокор муолажа тадбирларини тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда белгилайди.

Ушбу хавфли касаллик ҳайвондан ҳайвонга, ҳайвондан одамга ўтади, лекин одамдан одамга ўтмайди. Тиббий илмий статистик маълумотларга қараганда, бошқа ҳайвонларга нисбатан қутуриш касаллигига кўпроқ мойиллик ва уни юқтиришнинг 63 фоизи итлар билан боғлиқ экан. Муаммонинг муҳим жиҳати шуки, хўжалик ва хонадонлардаги барча майда-йирик ҳайвонларни ветеринария хизмати ходимлари ҳисобга олишлари, улар ҳар йили қутуриш касалига қарши, албатта, эмланиши зарур. Шунингдек, кўча-кўй ва маҳаллалардаги барча қаровсиз, дайди ҳайвонларни жойлардаги махсус ит тутиш бўлимлари ходимлари белгиланган тартиб-қоида асосида йўқотишлари шарт.

Албатта, бу муҳим муҳофаза ишларида кенг жамоатчилик, яъни хонадонларда, айниқса, кўп қаватли уйларда ит, мушук сақловчи барча фуқаролар фаол иштирок этишлари, белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилишлари, қолаверса, қутуриш касаллиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари лозим.

**Мақолаларни вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлинма бошлиғи Шерзод САРКАЕВ тайёрлади.**

Эълонлар

## "AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 3 февраль куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Сергели туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 24 июнь кунги 1-243/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман ИИБ ҳовлисида сақланаётган, 1999 йилда и/ч дав. бел. 75 K 511 EA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 798 228,80 сўм. 2. 2014 йил 26 май кунги ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 M 751 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 598 524 сўм.

2015 йил 20 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 2014 йил 7 январь кунги 2/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 T 805 OA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 820 411 сўм. 2. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 D 184 OA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 503 176 сўм. 3. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39618/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 85 K 775 BA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 44 171 960 сўм. 4. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39616/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 079 HA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 514 327 сўм. 5. 2014 йил 28 апрель кунги 13992/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 V 701 EA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 088 000 сўм. 6. 2011 йил 12 май кунги 7461/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 30 Q 3517 бўлган "Москвич 2140" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 425 586 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, 2012 йил 16 апрель кунги 13368/5 сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Файзиобод" ТИФ божхона масканида сақланаётган: 1. 1990 йилда и/ч дав. бел. 10 987 FAA бўлган "Газ 53" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 6 361 095 сўм. 2. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 585 CA бўлган "CHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 864 906 сўм. III. Миробод туман СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖ да сақланаётган: 1. 2013 йил 17 апрель кунги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 B 321 BA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 195 796 сўм. 2. 2013 йил 30 октябрь кунги 36233/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 C 589 KA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 062 094 сўм. 3. 2013 йил 30 октябрь кунги 36235/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 051 DA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 298 220 сўм. 4. 2014 йил 20 февраль кунги 5668/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 426 NA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 756 800 сўм. 5. 2014 йил 22 январь кунги 2264/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 598 OA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 560 000 сўм. 6. 2014 йил 22 январь кунги 2273/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 10 J 106 FA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 899 674 сўм. 7. 2014 йил 22 январь кунги 2263/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда и/ч дав. бел. 10 H 045 HA бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 659 879 сўм. 8. 2011 йил 15 апрель кунги 5867/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда и/ч дав. бел. 30 A 3258 бўлган "ЗАЗ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 405 018 сўм. 9. 2011 йил 1 декабрь кунги 25109/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда и/ч дав. бел. M 4954 TH бўлган "ЗАЗ-968" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 160 979 сўм. 10. 2013 йил 30 октябрь кунги 36234/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 T 786 GA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 731 200 сўм.11. 2013 йил 06 сентябрь кунги 32175/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 90 W 136 CA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 874 308 сўм. 12. 2012 йил 10 май кунги 16629/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда и/ч дав. бел. 30 M 8549 бўлган "Москвич-412" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 509 820 сўм. 13. 2010 йил 7 декабрь кунги 16024/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда и/ч дав. бел. 30 I 7458 бўлган "ЗАЗ-968" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 147 573 сўм. 14. 2012 йил 19 ноябрь кунги 36608-09/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 4-уйда сақланаётган, 1994 йилда и/ч дав. бел. 30 U 0013 бўлган "Volvo FH12 тягач" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 47 205 137 сўм. IV. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, "Феруза Баракат Сервис" МЧЖда сақланаётган: 1. 2013 йил 16 октябрь кунги 62989/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 O 862 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 712 543,95 сўм. 2. 2013 йил 22 август кунги 58980/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав.бел. 01 T 836 LA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 872 350 сўм. 3. 2014 йил 07 январь кунги 613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 A 532 GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 915 200 сўм. 4. 2011 йил 15 август кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 A 351 бўлган "SK 24" русумли ярим трикама. Бошланғич нархи 23 040 350 сўм. V. Олмазор туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 13 май кунги 15356-82-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BC 983 бўлган "Газ-2705-14" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 29 136 690 сўм. 2. 2012 йил 12 июнь кунги 19628/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Себзор" МЧЖда сақланаётган, 1979 йилда и/ч дав. бел. 30 E 5742 бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 921 777,13 сўм. 3. 2010 йил 24 декабрь кунги 1-316/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Чорсу" МЧЖда сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01 Q 213 CA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 500 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар хафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги заколат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси - "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Гувоҳнома: 006388.

## Диққат! Диққат! Диққат!
## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Оҳангарон тумани, Айрисой қўрғонида жойлашган, Оҳангарон тумани ҳокимлиги тасарруфидаги "Орзу болалар дам олиш оромгоҳи бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони - 4,50 га;
қурилиш ости майдони - 2277,4 кв.м;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 2 470 781 000 сўм.
Балансда сақловчи: Оҳангарон тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

2. Оҳангарон тумани, Қорахитой ҚФЙда жойлашган, Оҳангарон тумани ҳокимлиги тасарруфидаги "Алоҳида турган Қорахитой радиоузелининг бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони - 0,24 га;
қурилиш ости майдони - 160,26 кв.м;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 122 356 000 сўм.
Балансда сақловчи: Оҳангарон тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

3. Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, Завод кўчасида жойлашган, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидаги "15-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони 0,61 га;
қурилиш ости майдони 581,38 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 326 690 000 сўм.
Балансда сақловчи: Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

4. Ўрта Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудудида жойлашган, Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлиги тасарруфидаги "19-сонли мактаб бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони 0,04 га;
қурилиш ости майдони 402,90 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 153 893 000 сўм.
Балансда сақловчи: Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

5. Ўрта Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудудида жойлашган, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидаги "57-сонли мактаб бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони 0,062 га;
қурилиш ости майдони 508,45 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 440 902 000 сўм.
Балансда сақловчи: Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

6. Ўрта Чирчиқ тумани, Йўнғичқоли ҚФЙ, "Йўнғичқоли" маҳалласи ҳудудида жойлашган, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидаги "Собиқ 61-сонли умумтаълим мактаб бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони 0,152 га;
қурилиш ости майдони 361,36 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 157 275 000 сўм.
Балансда сақловчи: Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

7. Чирчиқ шаҳар, В.Хайдаров кўчаси 20-А-уйда жойлашган, Чирчиқ шаҳар хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази ДК тасарруфидаги "Собиқ лицей бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони 0,9335 га;
қурилиш ости майдони 1900,0 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 2 906 544 000 сўм.
Балансда сақловчи: Чирчиқ шаҳар хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази ДК.
Фаолият ихтисоси: уй-жой фондини хусусийлаштириш.

8. Чирчиқ шаҳар, В.Хайдаров кўчасида жойлашган, Чирчиқ шаҳар хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази ДК тасарруфидаги "Собиқ 5-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони 1,0976 га;
қурилиш ости майдони 2024 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 2 159 931 000 сўм.
Балансда сақловчи: Чирчиқ шаҳар хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази ДК.
Фаолият ихтисоси: уй-жой фондини хусусийлаштириш.

9. Чирчиқ шаҳар, Менделеев кўчаси, 8-уйда жойлашган, Чирчиқ шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги "Нотураржой бино-иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
умумий ер майдони 0,2757 га;
қурилиш ости майдони 709,17 кв.м.
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи - 1 199 766 000 сўм.
Балансда сақловчи: Чирчиқ шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси.
Фаолият ихтисоси: ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс (8-371) 228-79-52. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 13 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 27 февраль, 13, 27 март, 10, 24 апрель, 8, 22 май, 5, 19 июнь, 3, 17 ва 31 июль кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.

Маълумотлар учун телефон: (8-371) 228-79-52. Факс: (8-371) 228-79-52.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

## "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига I) Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар, Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 07.08.2014 йилдаги №1-251/14-сонли ижро варақасига асосан; Бошланғич нархи - 1 253 078 561 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 1389 кв.м. А, Б, В, Г, Д, Е блокларидан иборат бўлган "Ишлаб чиқариш биноси"; II) Бошланғич нархи - 2 758 004 144 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 4048 кв.м. А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, И, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т блокларидан иборат бўлган "Ишлаб чиқариш ва омборхона биноси"; III) Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан, 17.09.2012 йилдаги №1-42339/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 589 375 123,81 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, 9-берк Чоштепа кўчасида жойлашган, умумий майдони 1700,0 кв.м., 1 қаватли, қурилиш ости майдони 615,0 кв.м. умумий фойдаланиш майдони 200,32 кв.м., иншоатлар майдони 364,0 кв.м., асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар сони 8 тадан иборат бўлган "Bog' ko'cha ART" номли "Чойхона биноси"; VI) Тошкент шаҳар СИБ томонидан 24.03.2014 йилдаги №1-12/14-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, "Ks Ind" МЧЖга тегишли бўлган, Бошланғич нархи - 7 647 230 298 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Примкулов кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 41055,95 кв.м., қурилиш остидаги ер майдони 9773,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м., асосий бинолар сони 20 тадан иборат бўлган бино-иншоотлар ва 6 хил турдаги дастгоҳлар, яъни 1) Волочильный станок 2 (R.B.D) 8 мм.дан 1 мм.гача.; 2) Волочильный станок 1 (Rolling machine) 16 мм.дан 8 мм.гача; 3) Экструдер (EXTRUDION VA-CHINE) QLBG-650 №0110/1500N/1-8мм; 4) Медеплавильная печь (UPWARD CUSTING) индукционного типа; 5) Электрическое оборудование (ZWICH ROeli Z020 RESISTOMAT 2316 Burster) тип 2316-V0001, Дизельный генератор (Disel Generator Aksa model APD 550C) бўлган кўчмас мулклар ва дастгоҳлар мажмуа ҳолда қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 23 январь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-7077. Адади 15264. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45.